

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2021 йил 22 январь, № 15 (7795) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# МАСАЛА АВВАЛО МАҲАЛЛАДА ҲАЛ БЎЛСАГИНА ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 21 январь куни Бухоро вилоятига келди.**



Давлат раҳбари вертолётда Олот туманига йўл олди.

Бу — ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган жорий йилги биринчи ташриф. Ва у мазкур чекка тумандан бошланаётгани бежиз эмас.

2020 йил 27 апрель куни Бухоро вилоятига Жанубдан кучли шамол кириб келган эди. Уй-жойлар, инфратузилма ва экинларга катта зарар етказганди.

Давлатимиз раҳбари зудлик билан у ерга етиб бориб, табиий офат оқибатларини бартараф қилиш, турар-жойлар ва ижтимоий объектларни таъмирлаш бўйича топшириқлар берган эди. Қисқа муддатда зарур ишлар бажарилиб, ҳаёт ўз маромига қайтди.

Бу галги сафар чоғида Президент вертолётда ушбу ишлар қамровини кўздан кечирди.

Хусусан, Олот, Қоракўл, Жондор, Ромитан, Пешку ва Шофиркон туманларида 45 мингта уй, 204 та кўп қаватли тураржой таъмирланган. Мингдан ортиқ ижтимоий соҳа ва тадбиркорлик объектлари, йўллар, электр, газ ва алоқа тармоқлари тикланган.

Давлатимиз раҳбарига ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдим қилинди.

Унга кўра қишлоқ жойларда, маҳаллаларда мобиль хизмат кўрсатиш пунктларини контейнерларда ташкил қилиш мумкин. Контейнерлар ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланмоқда. Ундан мини тикувчилик цехи, гўзаллик салони, пойабзал таъмирлаш устахонаси, ширинлик дўкони каби кўплаб йўналишларда фойдаланса бўлади. Шундай платформалардан биттасида камида 4 та иш ўрни яратиш мумкин.

Президентимиз лойиҳа билан танишиб, мутасаддиларга уларнинг таннархини камида 30 фоизга камайтириш, коммуникация ва канализация тизимларига улаш масалаларини ҳал қилиш бўйича топшириқ берди.

Шунингдек, Олот ва унга қўшни туманларда амалга оширилиши режалаштирилган архитектура-қурилиш, хусусан, туман марказий кўчаларини реконструкция қилиш, аҳоли учун замонавий кўп қаватли уйлар қуриш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Олот тумани марказида Олот, Қоракўл, Жондор ва Шофиркон туманлари фаоллари, маҳалла раислари билан учрашди. Ўтган йили содир бўлган табиий офат ёдга олинди.

**— 2020 йил Ватанимиз учун, шу жумладан, Бухоро вилояти учун жуда катта синовлар йили бўлди. Бу ерда юз берган табиий офат иқтисодиётга, инфратузилмага, одамлар 30 — 40 йиллаб қурган уйларига катта талафот етказди. Биз халқимизнинг сабр-тоқати, бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги билан бу балолардан қудратли бўлиб чиқамиз, деб ният қилгандик, мана, шу натижаларга эришдик, — деди Президент.**

Ҳеч бир оила эътиборсиз қолдирилмагани таъкидланди. Хусусан, "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида Олот, Қоракўл ва Жондордаги эҳтиёжманд оилаларга қарийб 14 миллиард сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

Аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши, бунинг учун қуйи тизимдаги раҳбарлар уйғониши, жон куйдириши кераклиги айтилди.

**— Бугун бу ерга келишимдан мақсад — халқимизни кўпроқ эшитиш, эртанги марраларни белгилашда тўғри йўл тутиш. Туман ҳокимлари ва маҳалла раислари ўзларини қийнаётган муаммоларни очиқ-ойдин айтиб, уларнинг ечими бўйича таклифларини билдирса, ниятимиз амалга ошади, — деди давлат раҳбари.**

Ҳудудларни ривожлантириш дастури ҳамда камбағалликни қисқартириш режалари маҳаллабай тизим асосида ишлаб чиқилиши таъкидланди.

Мутасаддилар Олот туманида маҳаллабай ишлаш тизими тақдимоти чоғида Бунёдкор ва Шайхлар маҳаллалари уйма-уй юриб ўрганилгани, шунда аҳоли вакиллари турли касб-ҳунарларни эгаллаш истаги борлигини билдирганини қайд этди. Фуқароларнинг истакларидан келиб чиқиб, бугунги кунда тумандаги касб-ҳунар мактаби ҳузурида саккиз йўналишда касбларга ўргатиш ўқув курслари ташкил этилди.

Президент мазкур тажриба асосида Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда мамлакатимиздаги 700 дан ортиқ касб-ҳунар мактабини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига бўйсунадиган янги тизим жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Тегишли раҳбарларга жойларда аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, ўша ҳудуддаги тадбиркорларга керак бўлган касб-ҳунарларга ўқитишни ташкил этиш юзасидан топшириқлар берилди.

Маҳалла раисларига ўз ҳудудидаги ҳар бир фуқарони рози қилиш, иқтисодий сектор билан биргаликда хонадонма-хонадон юриб, иш ўринлари яратиш, ўша хонадонларда ободлик ва фаровонликни таъминлаш бўйича вазифалар юклатилди.

**— Маҳалла раиси қачон обрўли бўлади? Халқ дардини раҳбарларга лўнда қилиб қўйса. Ҳамма масала, аввало, маҳаллада ҳал бўлсагина одамлар рози бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига республика бўйича чекка ҳудудларда жойлашган 968 та маҳалладаги шароитларни яхшилаш бўйича топшириқлар берилди. Жумладан, Бухоро вилоятидаги 55 та оғир, олис ва чегара ҳудудлардаги маҳаллалар танлаб олиниб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари ва маҳаллабай тизимни жорий этиш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилди.

Бу йил ёшлар ва оилавий тадбиркорлик лойиҳалари учун Қоракўл туманига 36 миллиард сўм, Олот туманига 21 миллиард, Жондор туманига 49 миллиард сўм маблағ ажратилади.

2021-2022 йилларда Олотда 42 та, Қоракўлда 56 та, Жондорда 67 та лойиҳа амалга оширилиб, 3 мингта доимий иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Олотда лойиҳа қиймати 20 миллион доллар бўлган логистика маркази, Қоракўлда олтингугуртни қайта ишлаш корхонаси, Жондорда керамик плиталар ишлаб чиқариш объекти ишга туширилади. Кичик саноат зоналари ташкил этилади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилмаган имкониятлар бор. Жорий йилда 18 километр мелиорация тармоқлари қурилиб, Жанубий Олот хўжаликлараро коллектори реконструкция қилинади. Натижада фойдаланишдан чиққан ерлар қайта ўзлаштирилиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштирилади.

Президентимиз ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталди. Хусусан, Олот туманида кинотеатр ва кутубхонани ўз ичига олган Маънавият ва маданият маркази қурилиши қайд этилди. Шунингдек, мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт муассасалари, ижтимоий хизмат объектлари барпо этилади.

Бу йил Қоракўлдаги Халқаро математика мактаби реконструкция қилиниб, 200 ўринли ётоқхона қурилиши таъкидланди. Бу даргоҳнинг иқтидорли ёшлари IT соҳасига жалб қилинади.

Жаҳон банки иштирокидаги Олот ва Қоракўл туманлари ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича 139 миллион долларлик лойиҳа якунланиб, 265 минг аҳоли ичимлик суви билан таъминланади. Бу икки туманда сўнгги 30 йилдан буён ичимлик суви таъминоти 17 фоиз бўлган, жорий йилда бу кўрсаткич 90 фоизга етади.

Давлатимиз раҳбари учрашувда маҳаллий аҳолининг мурожаатларини инобатга олиб, Олот — Тошкент темир йўл қатнови қайта тикланишини маълум қилди.

Бугун бутун мамлакатда уйғониш даври. Лоқайдлик, ўзибўларчилик билан ўзгариш бўлиб қолмайди. Халққа шароит яратиш, ташаббускорларга кўмаклашиш, тинимсиз интилиш ва меҳнатгина натижа келтиради. Учрашув мана шундай руҳда ўтди.

Бухоро туманидаги "Бухоро Варнет" корхонаси. Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йилда бу ерга келганида иш энди бошланган эди. Ҳозирги кунда у замонавий агросаноат мажмуасига айланмоқда.

Аввал бу ерда фақат иссиқхона бўлган бўлса, эндиликда унинг ёнида ўқув маркази, лаборатория ҳамда иссиқхоналар учун конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этилмоқда. Яъни замонавий иссиқхоналар учун нимаики керак бўлса, шу ерда тайёрланади.

Давлатимиз раҳбари бу галги ташрифи чоғида мазкур мажмуанинг янги имкониятлари билан танишди.

**— Иссиқхоналар билан шунча йилдан бери шуғулланяпмиз, лекин профессионаллар йўқ эди. Энди бу йўналиш янги сифат босқичига чиқяпти, — деди Президент.**

Бухоро вилоятининг кўп ерлари шўрхок ва қумлоқ, сув эса танқис. Бундай жойларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун гидропоника усули жуда қулай. Шу боис 2018 йил 10 июлдаги Президент қарори билан "Бухоро-агро" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган эди. Бу зона учун Жондор, Коғон, Пешку, Ромитан ва Бухоро туманларидан 3 минг гектар ер ажратилди. Тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилиб, кластер тизимида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун кенг шароит яратилди.

"Бухоро Варнет" корхонаси ҳам ана шу имкониятлар самараси. Лойиҳанинг умумий қиймати 120 миллион доллардан зиёд бўлиб, бу маблағнинг ҳаммасини тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ташкил этади.

Бугунги кунгача 10 миллион доллар ташқи инвестиция ўзлаштирилиб, 13 гектар майдонда иссиқхона қуриб битказилди, 260 дан ортиқ иш ўринлари яратилди. Яна 17 гектарда қурилиш ишлари давом этмоқда.

Ўтган йили қарийб 20 миллиард сўмлик маҳсулот етиштирилиб, 1 миллион долларлик экспорт қилинган. Жорий йилда 26 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиниши режалаштирилган.

Корхона учун қарийб 113 гектар ер ажратилган бўлиб, тўлиқ ишга тушганда йиллик қуввати 33,8 минг тонна бўлади, жами 2 мингга яқин иш ўринлари яратилади.

Президент 2020 йил 12 декабрь куни Хоразм вилоятида бўлганида йирик иссиқхоналар ҳузурида ўқув маркази очиб, шу йўналишга қизиққан тадбиркорлар ва ёшларни тайёрлаш кераклигини таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбари "Бухоро Варнет" корхонасида ташкил этилган шундай марказни кириб кўрди.

**— Бу тизим нима учун муҳим? Биринчидан, ёшларимизга ривожланган мамлакатлар мутахассислари онлайн режимда дарс беради. Иккинчидан, иссиқхоналар учун зарур материаллар маҳаллийлаштирилади. Энг муҳими, бозор талабига мос маҳсулот ишлаб чиқарилади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Давлатимиз раҳбари "Бухоро Варнет" корхонасида хонадонлар учун ихчам иссиқхоналар қуриб беришни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлади.

Шу ерда 2021 йил учун Бухоро вилоятида аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш бўйича тақдимот ўтказилди. Барча лойиҳалардан кўзланган ягона мақсад — аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини оширишда қишлоқ хўжалигини драйверга айлантириш.

Бухородаги "BCT Cluster" пахта-тўқимачилик кластери Ўзбекистондаги қалдирғоч кластер ҳисобланади. У Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган кластер ғоясининг дастлабки амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари кластерга қарашли "Bukhara Cotton Textile" тўқимачилик корхонасига борди.

"BCT Cluster" давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 19 майдаги "Бухоро вилоятида замонавий пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган. У ўзида пахта етиштиришдан тортиб, уни чуқур қайта ишлашгача бўлган барча технологик "занжир"ларни тўлиқ бирлаштирган. Хусусан, Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги 8 000 гектар экин майдонида пахта етиштирилса, тола Бухоро шаҳрида бунёд этилган замонавий тўқимачилик мажмуасида чуқур қайта ишланади.

Ушбу йирик лойиҳани амалга ошириш учун жами 106,5 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. "Занжир"ли ишлаб чиқаришнинг охирги ҳалқаси ҳисобланадиган "Bukhara Cotton Textile" корхонаси учун эса 65,2 миллион АҚШ долларилик маблағ йўналтирилди. Натижада Бухоро шаҳрининг ташландиқ бўлиб қолган собиқ тўқимачилик комбинати ҳудудида замонавий ишлаб чиқариш объекти пайдо бўлди.

Мазкур йирик тўқимачилик мажмуаси таркибида бешта — йигирув, бўяш, тўқимачилик, "Деним" жинси матосига ишлов бериш, тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш фабрикаларини бирлаштирган.

Айтиш жоизки, мажмуанинг умумий майдони 10 гектар. Бу ерда мавжуд бўлган битта эски бино тубдан қайта реконструкция қилиниб, қўшимча равишда яна 19 та янги бино ва иншоотлар барпо этилди. Кластернинг ишлаб чиқариш фабрикалари Германиянинг "Schlafhorst Zweigniederlassung der Saurer Germany Gmbh&Co KG", "Volkmann Saurer", "Beninger AG", "Xetma", "Monforts", "Mayer", "Menzel", "Osthoff", АҚШнинг "MORRISON", Бельгиянинг "PICANOL n.v.", Франциянинг "AESA" каби дунё тўқимачилик саноатида етакчи бўлган компанияларида тайёрланган энг замонавий технологик линиялар, асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланди.

Мазкур тўқимачилик корхонасида 1500 нафар, кластер билан қўшиб ҳисоблаганда 6000 нафар ходим фаолият юритмоқда.

Президент корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, тайёр маҳсулот намуналарини кўздан кечирди.

**— Жинси матолар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича энг илғор давлатлар билан рақобат қилиш мумкин. Чунки еримиз, сувимиз, пахтамиз ўзимизники. Ишлайман деган ёшларимиз кўп. Таннархни яна пасайтирса бўлади. Лекин сифати халқаро даражада бўлса, дунёда албатта ўз ўрнини топади, — деди Шавкат Мирзиёев.**

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, ўрмон хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини рағбатлантириш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос илғор хорижий тажрибага эга бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг **2021 йил 1 февралдан**:

а) ўрмон хўжалиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, хорижий стажировкаларни тизимли ташкил этиш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасида **4**та штат бирлигидан иборат **Илмий ташкилотлар фаолияти ва инновацияларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси**ни;

(Давоми 2-бетда).

---

«Халқ сўзи» учун махсус

Ўзбекистон — Афғонистон:

## ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Ўзбек ва афғон халқларини неча асрларки дўстлик ҳамда биродарлик ришталари боғлаб туради. Ҳатто давлатларимиз ўртасида чегаралар бўлмаган замонларда ҳозирги Афғонистон ҳудудида улуғ аждодларимиз томонидан маданият, тарих, илм-фанга оид улкан мерос яратилганлиги, бу мерос ҳар икки мамлакат халқларини муштарак мақсадлар сари йўналтириб келаётганлиги ҳам маълум.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг март ойида ўтказилган "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференциясидаги нутқида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, шундай таъкидлаган эди: "Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган. Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда. Амударё биз учун ҳамиша тириклик манбаи бўлиб келган, аммо одамларнинг эркин ҳаракат қилишига, савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан ўртоқлашишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга ҳеч қачон тўсқинлик қилмаган. Афғон заминида Марказий Осиё Уйғониш даврининг Абу Райҳон Беруний, Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб каби буюк намояндалари ва бошқа кўплаб бизнинг улуғ аждодларимиз яшаб ижод қилганлар".

➡ 2

---

Мулоқот

## СЕНАТ РАИСИ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Буюк Британиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича элчиси, Буюк Британиянинг БМТдаги доимий ваколатхонаси ва Женева шаҳридаги бошқа ваколатхоналари раҳбарининг ўринбосари Рита Френч билан учрашди.*

Онлайн мулоқотда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тимоти Торлоу иштирок этди.

Учрашувда инсон ҳуқуқлари соҳасида қонунчиликни татбиқ этишдаги устуворликлар ҳамда икки давлат парламентлари ўртасидаги ҳамкорлик салоҳияти муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимояси, бу борада халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Шу йўналишда халқаро ташкилотлар билан алоқаларни фаоллаштириш ишлари тизимли равишда олиб борилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИЛМ-ФАННИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

пистачиликни ривожлантириш, пистанинг янги ва серҳосил нав ҳамда шаклларини танлаш, районлаштириш, пистачилик бўйича ўрмончилар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун семинар, тренинг ва бошқа тадбирлар ташкил этиш мақсадида Жиззах давлат ўрмон хўжалиги Ғаллаорол бўлимининг "Оқтош" участкасидаги оналик писта плантациялари негизида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги **Пистачилик илмий-тажриба станцияси**ни ташкил этиш;

ўрмон тадбирларининг технологик хариталарини ишлаб чиқиш ва ўрмон амалиётига жорий этишни таъминлаш мақсадида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тузилмасида **Ўрмон иқтисодиёти бўлими**ни;

б) ўрмон уруғчилигини ривожлантириш, ўрмон ўсимликлари уруғлари таҳлилини илмий тадқиқот ишлари билан мувофиқлаштириш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги **Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказини тугатиш** ҳамда унинг моддий-техника базасини сақлаган ҳолда **Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига бериш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати ҳамда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказини тугатиш натижасида бўшаётган штат бирликлари ҳамда Жиззах давлат ўрмон хўжалиги штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тугатилаётган Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Ўрмон хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш, ўрмон хўжалиги тадбирларини мунтазам лойиҳа ҳужжатлари асосида ташкил этиш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги "Ўрмонлойиҳа" давлат унитар корхонаси негизида давлат муассасаси шаклидаги **"Ўрмонлойиҳа" лойиҳалаш институти** ташкил этилсин.

4. Қуйидагилар "Ўрмонлойиҳа" лойиҳалаш институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

давлат ўрмон фонди ер майдонларида ўрмон тузиш, лойиҳа-қидирув ишларини бажариш, ўрмон таксациясини ишлаб чиқиш, давлат ўрмон фондини хатловдан ўтказиш, ўрмон хўжаликларининг ишлаб чиқариш режаларини лойиҳалаш;

шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари атрофини, автомобиль ва темир йўллар ёқасини кўкаламзорлаштириш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

инновацион технологиялар асосида (дронлар, GPS навигаторлар ва бошқалар ёрдамида) давлат ўрмон хўжаликлари ер майдонлари чегараларини, ер тоифаларини аниқлаш ва уларнинг хариталари, электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва мониторингини юритиш, уларнинг ахборот-ресурс фондини яратиш;

Орол ва Оролбўйи минтақасида, шунингдек, республиканинг бошқа ҳудудларида чўлланишнинг олдини олиш ҳамда эрозияга қарши курашиш мақсадида ўрмонзорлар барпо этиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

ўрмончилик соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда замонавий технологиялар асосида геоахборот тизимларини ўрмон тузиш, мониторинг ва лойиҳалаш ишларига жорий этиш;

мелиорация объектлари атрофида ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни оширишга йўналтирилган шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун иҳота дарахтзорларини барпо этиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

5. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси умумий тушумларининг **5** фоизи Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва унинг тизимидаги илмий ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг раиси Н.Ж.Бакиров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 21 январь

# МАСАЛА АВВАЛО МАҲАЛЛАДА ҲАЛ БЎЛСАГИНА ОДАМЛАР РОЗИ БЎЛАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кластер томонидан йилига ўртача 26 минг тонна пахта хом ашёси етиштирилади. Уни бирламчи қайта ишлаш орқали 9100 тонна тола олинади. Тола эса "Bukhara Cotton Textile" корхонасида чуқур қайта ишланиб, ундан дастлабки босқичда 8450 тонна калава ип йигирилади. Кейинги босқичда эса 15 миллион погон метр "деним" жинси матолари тўқилади. Сўнгги босқичда қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларга айлантирилади. Яъни ташқи ва ички бозорда рақобатбардош бўлган жинси либослари тикилади.

Бунинг иқтисодий самарадорлиги шундаки, дунё бозорида 1 килограмм тола қиймати хом ашё сифатида 1,5 доллар бўлса, тайёр кийим қилиб сотилганда камида 25 долларга айланади.

Корхона айни пайтда йилига ўртача 12,5 миллион дона "Деним классик" ва "Деним стрейч" шимлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Тайёр маҳсулотларнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

Сув ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадида 2020 йилда пахта майдонларининг салкам 1000 гектарига томчилатиб суғориш усули жорий қилинди. 2021 йилда яна 1000 гектар ерда бу усул тизимлари қўлланилади. Шу тариқа яқин истиқболда пахта етиштиришда тўлиқ томчилатиб суғориш усулидан фойдаланила бошланади.

Кластер томонидан Ўзбекистонда биринчи миллий жинси бренди — "B Jeans" яратилгани унинг навбатдаги ютуғи бўлди. Харидорларга ушбу ёрлиқ остидаги жинси либосларини етказиб бериш мақсадида 2020 йилда Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида кластер савдо тармоқлари ишга туширилди. Бу эса "занжир"ли ишлаб чиқаришнинг энг муҳим бўлган якуний ҳалқаси боғланганидан далолатдир.

Кластер ўз олдига республика бўйича 50 та ана шундай савдо дўкони очишни мақсад қилган. Хусусан, яқин кунларда Андижон ва Фарғонада ана шундай фирма дўконлари ишга туширилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги элчихоналари кўмагида хорижда 100 та савдо нуқтасини ишга тушириш режалаштирилган. Айни пайтда Германиянинг Мюнхен, Дрезден каби йирик шаҳарларида ўзбек миллий бренди остидаги маҳсулотлар етказиб бериладиган дастлабки 7 та савдо дўконини ишга тушириш саъй-ҳаракатлари олиб борилябти. Яқин кунларда эса қўшни Қирғизистон Республикасининг Ўш шаҳрида "Савдо уйи" очилиши мўлжалланган. Келгусида бундай савдо тармоқлари фаолияти Европа давлатлари, Болтиқбўйи республикалари, Япония ва ҳатто жинси ватани бўлган АҚШда ҳам йўлга қўйилади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, чет эллардаги савдо тармоқлари орқали йилига ўртача 75 — 80 миллион евро миқдорида валюта тушумига эришилиши мумкин. Бу миллий брендларимиз тез орада дунё бозорларини эгаллашидан бир нишонадир.

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон маданий мерос ҳафталиги доирасида ташкил этилган "Миллий либослар — янги Ренессанс дурдоналари" модалар намойишида "B Jeans" бренди остидаги либослар коллекцияси илк намойишдаёқ муваффақият қозонди. Модалар намойишида 50 дан зиёд либослар коллекцияси тақдим этилди. "BCT Cluster" жинси матолари асосида яратилган либослар 40 дан ортиқ мамлакатлардан келган соҳа мутахассислари томонидан юксак баҳоланди. Натижада ўзида табиийлик, қулайлик ва ҳашамни мужассам этган "B Jeans" коллекцияси "Ўзбек миллий либослари анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун" махсус диплом билан тақдирланди.

Дарвоқе, "Bukhara Cotton Textile" корхонасида ишлаб чиқарилаётган жинси матолари рангининг табиийлиги билан ҳам ички ва ташқи бозорда устунликка эга. Ишлаб чиқаришда зарур бўладиган табиий бўёқ олиш учун эса кластер раҳбарияти саъй-ҳаракатлари билан хориждан индигофера ўсимлиги уруғлари олиб келинди ва 80 гектар майдонда етиштириш йўлга қўйилди. Пировардида шу ернинг ўзида табиий бўёқлар олишга муваффақ бўлинди.

Кластер жамоаси ўз олдига корхона фаолиятини кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш эвазига Ўзбекистон жинси буюмлари жаҳон бозоридан мустаҳкам жой эгаллашига эришишни бош мақсад қилиб қўйган.

Давлатимиз раҳбари маҳсулотлар турини кўпайтириш, дунёга машҳур брендлар билан ҳамкорликда кийимлар ишлаб чиқариш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда 2021-2022 йилларга мўлжалланган Бухоро вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ёшлар бандлигини таъминлаш режалари тақдимоти ўтказилди.

**— Халқ ичида юриб, ҳар бир ёшнинг муаммосини эшитиб, назоратга олиб, охир-оқибат ҳал этиб берсак, вазият ўзгаради. Ёшлар ишлари агентлигининг асосий вазифаси шу бўлиши керак, — деди Президент.**

Ёшларни касбга йўналтириш, тадбиркорликка ўқитиш, бизнеси ва ҳунармандчилигини очишга кўмаклашиб, бандлигини ошириш чоралари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Бухоро шаҳридаги давлат хизматлари маркази ва IT-Parkни бориб кўрди.

Бу ерда "ягона дарча" тамойили асосида 130 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилади. Бинода Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси, Халқ қабулхонаси, Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхона, ФҲДЁ бўлими, нотариал идора ҳам жойлашгани аҳолига қулайлик яратган. Кутиш залида китоблар жавони ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари хизматлар нархини арзонлаштириш, узоқ маҳаллалар аҳолисига сайёр ва онлайн хизмат кўрсатиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникаси ҳам очилган. Молиявий ва юридик маслаҳатлар бериш, ахборот хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Бинонинг иккинчи қаватида IT-Parkнинг Бухоро филиали жойлашган. Бу ерда ҳам ўқувчилар, ҳам талабалар, ҳам фрилансер ва дастурчилар учун зарур шароитлар яратилган. Болалар мактаб давридан ўйинлар орқали ахборот технологияларига қизиқтирилади, кейин ўқитилиб, лойиҳалар ишлаб чиқишга ўргатилади. Бу ерда ёш ҳаваскорлар, робототехниклар, веб-дизайнерлар, профессионал дастурчилар йиғилган.

Президентимиз бухоролик ёшларнинг салоҳиятини юксак баҳолаб, бу соҳа мамлакатимиз тараққиёти учун жуда муҳим эканини таъкидлади.

**— Бухоро азалдан илм-фан маркази бўлган. Бугун ҳам билимли, интилувчан ёшлар кўп. Бухоронинг IT соҳаси бўйича брендини яратиш керак. Бунинг учун барча нарса — шароит, ресурс, интеллект бор, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Президентимиз "Мандэй ЛАБС" корхонасига асос солган 25 ёшли Саидравшан Шокиров, халқаро IT-компаниялар билан ҳамкорликда ишлаётган дастурчи Шаҳрулло Тухсанов ва бошқа ёшлар билан суҳбатлашди.

Долзарб иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ёш дастурчиларга буюртма бериш, маблағ, энергия ресурслари ва вақтни тежовчи дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари IT-Parkдаги ёшлар билан эсдалик учун суратга тушди.

IT-Park учун Bukhara City мажмуасида 9 ва 12 қаватли замонавий бинолар қурилмоқда. Мажмуада коворкинг маркази, офислар, меҳмонхона, ресторан ва спорт заллари бўлади. У ерда 700 дан зиёд иш ўринлари яратилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бухорога ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Абдулазиз МУСАЕВ, ЎзА мухбирлари.**

## Ўзбекистон — Афғонистон:

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

← 1

Дарҳақиқат, ўзбек ва афғон халқларининг бой ҳамда туганмас тарихий ришталари ўзаро муносабатларнинг ҳозирги куни учун чинакам асос ролини бажаради. Шу нуқтаи назардан, айни пайтда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилиши, айниқса, маданий-гуманитар ҳамда таълим муносабатларининг жадал суръатларда ривожланиш жараёнини бевосита кузатиш мумкин.

Мазкур соҳадаги алоқаларимиз фаоллашувининг тасдиғи ўлароқ, қуйидаги муҳим амалий қадамларга эътибор қаратиш жоиздир.

### Ташаббускор жамият

Мустақил Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатлари тарихида илк маротаба "Ўзбекистон — Афғонистон" дўстлик жамияти ташкил этилди. Бу икки қардош халқлар ўртасида маданий-гуманитар ришталарни янада жонлантириш йўлида ўзига хос дўстлик рамзига айланди.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, жамият фаолиятининг асосий мақсади сифатида Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари орасидаги маданий-маърифий, таълим-фан соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш белгилаб олинди. Ўтган давр ичида дўстлик жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон ва Афғонистон муносабатларининг 26 йиллигига бағишлаб, Афғонистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда давра суҳбати уюштирилди. Шунингдек, Тошкент давлат шарқшунослик институти (ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик университети) ва "Ўзбекистон — Афғонистон" дўстлик жамияти билан биргаликда 2019 йил 21-22 июнь кунлари "Афғонистон XX ва XXI асрлар чорраҳасида: тарихий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жиҳатлари ва унинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро муносабати масалалари" мавзуида ўтказилган халқаро илмий конференция икки томонлама илмий ҳамкорликнинг қайтадан фаоллашувига замин яратди, деб айтсак муболаға бўлмайди. Ушбу конференцияда Ўзбекистон, Афғонистон, АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Нидерландия, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларнинг етакчи экспертлари, олимлари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан Афғонистон ривожланишидаги тарихий қарашлар, Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар алоқалар атрофлича таҳлил этилди. Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон муаммосини ҳал этишга қаратилган прагматик ташқи сиёсий ёндашувлари, ушбу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тикланиши жараёнида Ўзбекистон томонидан кўрсатилаётган амалий кўмак ва бошқа тизимли чора-тадбирлар Афғонистон делегацияси вакиллари томонидан юқори баҳоланди. Хусусан, маданий-гуманитар муносабатларда аждодларимиз мероси ва тарихий-маънавий ёдгорликларни тиклаш, ўзаро илмий тадқиқотларни мунтазам айирбошлаш сингари долзарб масалалар афғон олимлари фикр-мулоҳазаларида ўз аксини топди.

Турон фанлар академияси академиги, ҳуқуқ фанлари доктори, профессор Абдулҳаким Шаръий Жузжоний ҳақли равишда ёзганидек, "Ўзбекистон ва Афғонистон халқларининг дўстлиги узоқ тарихга етиб боради. Афғонистон ҳудудида темурийлар ва бобурийлар давридан қолган тарихий ва маънавий ёдгорликлар бу дўстликнинг инкор этиб бўлмайдиган гувоҳларидир. Бобуршоҳ "Бобурнома" асарида афғон қабилалари, уларнинг расм ва равожлари ҳамда машҳур етакчилари ҳақида антик ва географик маълумотларни келтиради ва биринчи бўлиб ўзбек афғоншунослик фанига асос солади".

Бошқа бир афғон олими, Афғонистон собиқ президентининг маслаҳатчиси Залмай Ҳеводмал эса ўз маърузасида XX аср бошларидаги Ўзбекистон ва Афғонистон маданий ҳамкорлиги борасидаги изланишлар ҳақида тўхталиб, бугунги кунда Шарқшунослик даргоҳида дарий ва пушту тилларини ўрганаётган кадрлар икки томонлама илмий-маданий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни қайта ривожлантириш жараёнларида муҳим ўрин эгаллашини таъкидлайди.

Юқоридаги омилларни ҳисобга олган ҳолда, икки халқ ўртасидаги маърифий алоқаларда ҳали амалга оширилиши лозим бўлган имкониятлар анча катта эканини кўриш мумкин.

### Афғонистонлик ёшлар камоли

Маданий-гуманитар муносабатлар фаоллашувининг яна бир эътиборга молик жиҳати таълим соҳасидаги алоқаларда намоён бўлмоқда. Хусусан, 2018 йилнинг январь ойидан бошлаб Сурхондарёда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази ташкил этилиши ҳамкорликни янада жадаллаштиришга туртки берди. 2018/2019 ўқув йили давомида марказда ўзбек тили ва адабиёти йўналишида 96 нафар талаба таҳсил олиб, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг бакалавр дипломига эга бўлди.

Ҳозирги кунда марказда 172 талаба, жумладан, ўзбек тили ва адабиёти йўналиши бўйича — 119, ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси йўналиши бўйича — 35, акушерлик, гинекология ва ҳамширалик иши йўналиши бўйича 18 нафар талаба билим олмоқда. Бундан ташқари, шу йилнинг декабрь ойида Афғонистондан 10 нафар талабанинг Европа Иттифоқи молиявий кўмаги асосида қишлоқ хўжалиги йўналишида таҳсил олиш учун келиши режалаштирилган.

Ўтган йилнинг 20 ноябрь куни мамлакатимиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси Олий таълим вазирлиги ўртасида афғонистонлик талабаларни Ўзбекистонда олий маълумот олиш учун йўналтириш бўйича ўзаро англашув меморандуми имзоланиши ришталар мустаҳкамланиши йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Меморандумда икки давлат муассасалари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, ўқув материаллари алмашинуви, қўшма тадқиқот ишларини тарғиб қилиш ҳамда томонлар иштирокида илмий журналларда мақолаларни нашр этиш каби йўналишлар асосий мезонлар сифатида белгиланди.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги "Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, Афғонистон фуқароларини мамлакатимиз олий ўқув юртларида грант асосида магистратура ва докторантурада (PhD) ўқитиш учун квоталар ажратиш, Афғонистон фуқароларини ўқитиш марказида тадбиркорлик асослари йўналишини ташкил этиш, шу билан бирга, икки мамлакат илм-фан ва маданият арбобларининг юбилейларини нишонлаш сингари чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

> "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги "Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, Афғонистон фуқароларини мамлакатимиз олий ўқув юртларида грант асосида магистратура ва докторантурада (PhD) ўқитиш учун квоталар ажратиш, Афғонистон фуқароларини ўқитиш марказида тадбиркорлик асослари йўналишини ташкил этиш, шу билан бирга, икки мамлакат илм-фан ва маданият арбобларининг юбилейларини нишонлаш сингари чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган."

Ўзбекистон жафокаш афғон халқига доимий гуманитар ёрдам кўрсатмоқда. 2018 йилда қурғоқчиликдан азият чеккан афғон халқига 3 минг тоннадан зиёд буғдой жўнатилди. Коронавирус пандемияси даврида ҳам Ўзбекистон Афғонистонга ёрдам қўлини чўзди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, ўтган йилнинг 3 апрелида биринчилардан бўлиб Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами жўнатилиши саховат ва бағрикенгликнинг ёрқин ифодасидир.

### Обод бўлган манзиллар

Қайд этиш жоизки, узоқ вақт давомида икки халқ учун бирдек ардоқли бўлган буюк боболаримиз мақбаралари, зиёратгоҳлари хароба ҳолга келиб қолган эди. Афғонистондаги нотинч вазиятга қарамасдан, мамлакатимиз томонидан аждодларимиз мақбаралари тикланиб, зиёратгоҳга айлантирилди, Ўзбекистондан 2 мингдан ортиқ туп кўчатлар олиб борилиб, Алишер Навоий зиёратгоҳи атрофида боғ барпо этилди. Бу сингари хайрли ишлар ҳозирда ҳам давом этмоқда. Президентимиз қарорига кўра, Афғонистоннинг қадимий шаҳарларидаги маданият ва санъат ёдгорликларини қайта тиклаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, тегишли шартнома имзоланади ва 2021 йил май ойидан бошлаб амалий ишлар бошланади.

Умуман, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамда таълим соҳасидаги ҳамкорлик суръатлари тобора фаоллашиб бормоқда. Бу Ўзбекистон халқ дипломатиясининг айни ифодасидир. Шу нуқтаи назардан, келгусида "Ўзбекистон — Афғонистон" дўстлик жамияти томонидан Президентимиз қарорида белгиланган директив масалалар асосида ишни жадал давом эттириш режалаштирилган. Айниқса, бўлғуси афғоншуносларни тайёрлаш билан боғлиқ ўқув-услубий жараёнларни янада такомиллаштириш, Афғонистон адабиёти, тарихи, ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиёти, маданияти ҳамда ўзбек — афғон муносабатларини янада ривожлантириш бўйича илмий даражали мутахассисларни етиштириш, илмий мақолалар ва монографик асарлар яратиш, афғонистонлик буюк ёзувчи ҳамда шоирлар, давлат ва жамоат арбоблари ҳаёти ҳамда ижоди билан ўзбек жамоатчилигини кенг таништириш масалалари шулар жумласидандир.

Шунингдек, Афғонистон санъат ва адабиёт вакиллари, илмий доиралари ҳамда икки мамлакат олий ўқув юртларининг талабалари ва ўқитувчилари алмашинувини йўлга қўйиш, ТДШУ бўлғуси афғоншунос талабаларини Афғонистондаги Кобул университети ҳамда вилоятлардаги бошқа нуфузли университетларга тил малакаларини оширишга юбориш, биргаликда илмий-маданий соҳалар бўйича конференциялар ўтказиш, дарий ва пушту тилларида таржимонлар тайёрлаш ишларига кўмаклашиш, театр арбоблари, санъат усталари, таниқли хонандалар учрашувларини ташкил этиш, "бўзкаши" (улоқ, кўпкари) каби қўшма спорт мусобақаларини уюштириш, икки мамлакат фуқаролари, бизнес вакиллари, тадбиркорлар ташрифларини ташкиллаштиришга ёрдамлашиш каби масалалар кўзда тутилган.

**Абдураҳим МАННОНОВ, «Ўзбекистон — Афғонистон» дўстлик жамияти раиси, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, филология фанлари доктори.**

# СЕНАТ РАИСИ БУЮК БРИТАНИЯНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШДИ

← 1

Р. Френч юртимизда мазкур соҳада кўрилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси қабул қилинганлигини қўллаб-қувватлашини билдирди.

Шунингдек, коррупцияга қарши кураш, гендер тенгликни таъминлаш, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш ҳамда қонунчиликни янгилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳам юқори баҳоланди.

Р. Френч Ўзбекистонни БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига сайлангани билан қутлар экан, Британия томони кенгашнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга кўмаклашишга тайёрлигини маълум қилди.

Ўз навбатида, у Ўзбекистоннинг мазкур йўналишда қисқа муддатда эришган ютуқлари юксак баҳога лойиқ эканини қайд этди. Гендер тенглик ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш каби йўналишлардаги натижалар бунга яққол мисол бўла олади. Мулоқотда сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш бобидаги ишларга ҳам алоҳида урғу бериб ўтилди.

Шунингдек, Р. Френч соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ҳамда кўрилаётган чоралар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф топаётганини қайд этиб, Ўзбекистон келгусида ҳам мазкур йўналишдаги ҳаракатларни муваффақиятли давом эттириши ҳамда бошқа мамлакатларга ўрнак бўлиши, ўз тажрибаси билан ўртоқлашишига умид билдирди.

Т. Торлоу Ўзбекистон парламенти билан инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси масалалари бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиши ҳақида сўзлаб, "Ўзбекистон Буюк Британиянинг Марказий Осиёдаги устувор шеригидир", дея таъкидлади.

Томонлар келгусида ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдирди.

# АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ҲАР ТОМОНЛАМА КУЧАЯДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидовнинг ҳам Буюк Британиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича элчиси, Буюк Британиянинг БМТдаги доимий ваколатхонаси ва Женева шаҳридаги бошқа ваколатхоналари раҳбарининг ўринбосари Рита Френч билан онлайн учрашуви бўлиб ўтди.*

Мулоқот иштирокчиларига Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ўзгаришлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган ислоҳотлар, янги таҳрирда "Виждон эркинлиги ва диний муносабатлар тўғрисида"ги қонунни тайёрлаш, Буюк Британиянинг "Global Partners Governance" ташкилоти (GPG) ва бошқалар билан биргаликда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини мониторинг қилиш бўйича Парламент комиссияси фаолиятини ривожлантиришга оид лойиҳани рўёбга чиқариш ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон томони Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегияни босқичма-босқич амалга ошириш, болалар меҳнатига барҳам бериш, халқаро меҳнат стандартлари ва меъёрлари, қабул қилинган янги қонунлар, аёлларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини кучайтириш борасидаги маълумотлар билан ўртоқлашди.

Томонлар ҳамкорликни кенгайтиришда парламентлараро алоқаларни янада чуқурлаштириш муҳимлигини қайд этган ҳолда, бу, ўз навбатида, халқаро шартномаларнинг ратификация қилинишида муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди.

Тадбир иштирокчилари коронавируснинг дунё бўйлаб тарқалиши кўламига ҳам тўхталиб, ушбу глобал таҳдидга қарши курашиш борасида Ўзбекистон ва Буюк Британияда кўрилаётган чоралар тўғрисида фикр алмашди. Пандемиянинг икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ва Буюк Британия ўртасидаги амалий алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш бўйича ўзаро мажбурият тасдиқланди.

**«Халқ сўзи».**

## Ташриф

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Қорақалпоғистон Республикасида бўлди.*

*Сенат Раиси дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида давлатимиз раҳбарининг "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросига бағишланган мажлисда иштирок этди.*

# ҲАР БИР ЛОЙИҲА ИЖРОСИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОРДА

Мазкур қарор билан барча шаҳар ва туманларни, соҳаларни жадал ривожлантириш, энг асосийси, аҳоли ҳаётининг яхшиланишига хизмат қиладиган келгуси уч йилга мўлжалланган дастурнинг қабул қилиниши Оролбўйи халқига катта эътибор ва ғамхўрликнинг намунаси бўлди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси биринчи ўринбосари Н. Ерлепесов қарор ижроси бўйича ўтган йилда амалга оширилган ишлар, бу йилга режалаштирилган вазифалар юзасидан маълумот берди.

Қайд этилганидек, қарорга мувофиқ 2020 — 2023 йилларда 2788 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлса, ўтган йили 705 таси ишга туширилди. Натижада 4 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 99 та лойиҳага старт берилиши режалаштирилган.

Қорақалпоқ элидаги ҳар бир шаҳар ва туманни жадал ривожлантириш ва мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш учун уларга бириктирилган вазирлик ҳамда банклар масъулларининг ахборотлари ҳам мажлис давомида тингланди.

Т. Норбоева ўз сўзида қарор ижросини таъминлаш бўйича долзарб вазифаларга тўхталди. Жумладан, масъул вазирлик, идоралар, тижорат банклари ва маҳаллий ҳокимликларга истиқболсиз лойиҳалар ўрнига таклиф қилинган янги лойиҳаларни батафсил ўрганиб чиқиш ва уларни ўз муддатида ишга тушириш борасидаги тармоқ жадвалларини тасдиқлаш зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, жараёнда ташаббускор тадбиркорларга кредитлар, ер ажратилиши, ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқа шу каби масалаларда амалий ёрдам бериш, Қорақалпоғистон Республикасида улар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари ҳамда преференцияларни кенг жамоатчиликка етказиш орқали ишбилармонларни кўпроқ жалб этиш чораларини кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир депутат ўз округида учрашувлар уюштириб, қарор доирасида бажарилаётган ишлар бўйича аҳоли хабардорлигини оширишга оид вазифалар белгиланди.

Шу куннинг ўзида Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева хотин-қизлар масалалари бўйича фаоллар билан учрашди.

2020 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 53 минг 887 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. "Устоз — шогирд" тизими асосида опа-сингилларимизнинг 977 нафари ҳунармандчиликка жалб этилди. Шунингдек, оғир турмуш шароитида яшаётган ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, 436 нафар аёл мунтазам даромад манбаига эга бўлди.

Уй-жойга муҳтож 100 нафар хотин-қизга эса Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 1 миллиард 565 миллион сўмлик бошланғич бадал тўлаб берилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ташаббуси билан Нукус шаҳри, Қораўзак ва Мўйноқ туманларидан уй-жойга муҳтож 15 нафар фуқарога 472 миллион сўмлик бошланғич бадал тўлаб берилган бўлса, 33 нафар хотин-қиз сектор раҳбарлари ҳамда ҳомийлар томонидан тураржой билан таъминланди.

Шу билан бирга, ўзаро мулоқот чоғида хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларидаги фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур вазифалар белгиланди.

Сенат Раиси Т. Норбоеванинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давом этмоқда.

**Ғайрат ОТАЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Фикр

# АДОЛАТ ТАМОЙИЛИ КЎЗГУСИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ

*Мамлакатимизда эҳтиёжманд оилаларга ғамхўрлик қилиш, уларга моддий ва маънавий кўмак бериш, камбағалликдан чиқариш борасида кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аммо олижаноб халқимиз орасида шундай инсонлар борки, камтарин, камсуқумлигидан оиласи ночор, муҳтож бўлса-да, идорама-идора юришни, бировдан ёрдам сўрашни исташмайди. Имкон қадар рўзғор тебратиб, ҳаётини яхшилашга, турмуш қийинчиликларини енгиб ўтишга интилади.*

Таассуфланарлиси, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламини тўлақонли қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш давомида "темир дафтар", "аёллар дафтари"ни шакллантириш, унга киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳақиқий ҳолат ўрганилганда, баъзи маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан холис ва ҳаққоний иш олиб борилмаганига гувоҳ бўляпмиз.

Юқорида айтганимиздек, айрим ҳолларда "темир дафтар", "аёллар дафтари"га киритилган, камбағал, ногиронлиги бор ва рўзғори ночор кишилар қолиб, ўзига тўқ, қўлидан иш келадиган ҳамда бизнеси мавжуд фуқароларга моддий ёрдам ва ижтимоий кўмак берилмоқда.

Вилоятларда бўлганимизда шахсан ўзим шунга ўхшаш бир қатор ҳолатларнинг гувоҳи бўлдим. Нега шундай бўляпти? Нега маҳалла фуқаролар йиғини раҳбарлари камбағал, бева-бечоралар қолиб, аҳолининг ўзига тўқроқ қатламини қўллаб-қувватлаяпти?

Президентимизнинг "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилишининг боиси ҳам аслида шунда. Биргина камбағалликни қисқартириш эмас, балки барча соҳада ҳақиқий аҳволни ўрганиб, ана шу дастурга таклифлар бериш белгиланди.

Шу жиҳатдан айтмоқчиманки, камбағалликни қисқартириш, кам таъминланган оилалар ва ногиронлиги бор фуқароларга нафақалар ажратишда ҳамда "темир дафтар", "аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд оилаларга ажратилаётган моддий ёрдамларни ўз эгаларига етказишда ҳақиқий ҳолатни назоратга олишни кучайтириш лозим. Ишсиз аҳолини тадбиркорликка йўналтириш ва ўзини ўзи банд қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бу механизм қандай бўлишидан қатъи назар, мунтазам давлат ва жамоат ташкилотлари назоратида бўлиши жуда муҳимдир.

**Дилбар УСМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Нуқтаи назар

*Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамиятимизда кечаётган жараёнларнинг танқидий таҳлили асосида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича стратегик йўналишларни белгилаб берди.*

*Қайд этиш жоизки, куни кеча тиббиёт соҳасини ривожлантиришга доир тизимли вазифаларни бажариш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат Парламент комиссияси ташкил этилди. Унинг таркибига сиёсий партиялар фракциялари вакиллари киритилди. Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, комиссия фаолиятини самарали юритишга Халқ демократик партияси фракцияси ҳам масъул бўлди. Бу борада фракциямиз катта масъулиятни ўз зиммасига олди.*

# ТИЗИМ ШАФФОФЛИГИНИ ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва натижадорлигини янада кенгайтириш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан белгиланган вазифалар ижроси устидан таъсирчан парламент назоратини олиб боришга доир чора-тадбирлар режаси 6 та йўналиш бўйича ташкиллаштирилади. Жумладан, санитария-эпидемиология хизмати сифатини, унинг моддий-техника базасини яхшилаш ва замонавий лабораторияларни йўлга қўйиш учун Давлат бюджетидан 200 миллион доллар маблағ ажратилиши белгиланган.

Бу борада парламент назоратини уюштириш мақсадида депутатлар ҳудудларга чиқиб, санитария-эпидемиология хизмати ҳамда моддий-техника базасининг ҳолати, лабораторияларнинг ишлаши, зарур тиббий воситалар билан жиҳозланишини назорат-таҳлил тартибида ўрганади. Унинг натижалари бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилади. Ўрганиш якунлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларида тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари иштирокида муҳокама қилинади. Вазифалар ижроси юзасидан Парламент комиссиясига якуний ахборот киритилади.

**Энг кўп мурожаат қилинадиган тизим, бу бирламчи тиббий ёрдам муассасаларидир. Агар уларда иш тўғри ташкил этилса, албатта, шифохоналар ва ихтисослаштирилган марказларга юклама камайиб, аҳоли эътирозларига ўрин қолмайди. Шу мақсадда оилавий шифокор лавозими татбиқ этилиб, унга 5 нафардан иборат ҳамширалар бириктирилади. Ҳамширалар махсус тайёргарликдан ўтказилиб, акушерлик, педиатрия ва терапия соҳалари бўйича ихтисослашади.**

Мурожаатномада белгиланган ҳар бир масала бўйича парламент назорати қуйидан юқоригача бўлган тартибда тизимли ташкил этилади.

Карантин чоралари қўлланган вақтда соғлиқни сақлаш тизимининг баъзи муассасаларида маблағларни талон-торож қилиш ҳоллари юз берди. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш, Давлат бюджетидан ажратилган маблағни самарали ишлатиш, хориждан сотиб олинадиган лаборатория жиҳозларини танлашда уларнинг сифати, кафолатига алоҳида эътибор берилиб, тақсимланишида ҳам депутатлик назорати ўрнатилиши зарур.

Масофадан туриб тиббий ёрдамни ташкиллаштириш, соҳага рақамлаштиришни татбиқ этиш бугунги кунда долзарб масала эканлигини кўрсатди. Айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига ўз вақтида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа этиб белгиланди. Бунинг учун рақамли дастурлар миллий базасини, ҳудудларда бу тизимдан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш жоиз.

Соҳани ривожлантириш режалари Парламент комиссияси иштирокида тузилиши ва доимий мониторинг олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёллар ва 15 ёшгача бўлган болаларни 7 номдаги дори-дармонлар билан бепул таъминлаш йўлга қўйилади.

Бу тизимдан илмий асосда, самарали фойдаланиш учун, албатта, ҳудудлардаги ҳолат инобатга олиниши, ажратилган маблағлар мақсадли ишлатилиши назорати маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида амалга оширилиши ва бажарилган ишлар натижалари Кенгаш сессияларида муҳокама қилиниши зарур. Бу ўринда дори-дармонларни сақлаш учун шароитлар яратиш, амалиётда кўзбўямачиликка, бажарилмаган ишни бажарилди, деб ҳисобот тақдим қилиш ҳолатларига қатъий баҳо берилиши шарт.

Қилинган ишлар бўйича маълумотлар жамланиб, Парламент комиссиясида таҳлилдан ўтказилиши ва хулоса берилиши режалаштирилмоқда. Мақсад — аҳоли ўртасида камқонлик касаллигини 25 фоизга камайтириш билан саломатлик кўрсаткичини яхшилашдир.

Одамларга бирламчи тиббий хизматни яқинлаштириш мақсадида ҳудудлар кесимида оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлик пунктларини жойлаштириш масалалари, албатта, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида ҳал қилиниши зарур, деб биламиз.

Шунингдек, барча даражадаги тиббий муассасаларда кўрсатиладиган давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмини аниқлашда, аввало, аҳоли талаблари ўрганилади ва муҳокамаларда Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари қатнашади.

Маълумки, врачлар етишмайдиган ҳудудларга бориб, тиббий хизмат кўрсатувчи мутахассисларга бир марталик 30 миллион сўмдан рағбат пули ва тураржой билан таъминланиши кафолатланмоқда. Бу маблағлар тўғри тақсимланиши ҳамда мутахассисга зарур шароит яратилиши ҳам маҳаллий Кенгаш назоратига олиниши лозим.

Ушбу ҳудудларда тиббий хизмат сифатини кўтариш мақсадида давлат-хусусий шериклик тамойилига кўра, хусусий тиббиёт муассасаларига субсидиялар ажратиш ҳам назарда тутилмоқда. Соҳада соғлом рақобатнинг вужудга келиши хизмат сифати ва кўламини кенгайтиради.

Аҳолининг маълум қисми даволаниши қийин бўлган турли касалликлардан азият чекмоқда, аммо уларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни талаб даражасида, деб айта олмаймиз. Шу сабабли қон касалликлари, гемодиализга муҳтож бўлган буйрак етишмовчилиги билан кечадиган хасталиклар, онкологик, эндокрин касалликлари билан оғриган беморларни даволаш учун алоҳида маблағлар ажратилмоқда. Бу эса зарур дори-дармонлар, гемодиализ ускуналари сотиб олиш имкониятини яратади. Бу ўринда ҳам барча жараён шаффоф амалга оширилишини таъминлаш ўта муҳим. Харажатлар ва уларнинг самараси ҳақида Парламент комиссиясига тизимли равишда маълумотлар киритиб борилиши йўлга қўйилади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ўлим ҳолатлари сабабининг асосий қисмини ўткир юрак ва қон томир касалликлари ташкил этади. Агар беморларга ўз вақтида зудлик билан зарур ёрдам кўрсатилса, уларнинг ҳаёти ва иш қобилиятини сақлаб қолиш имконияти мавжуд. Шу мақсадда туманлараро юрак-қон томир касалликлари марказларини йўлга қўйиш режалаштирилган. Уларни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар яратиш, жойлаштириш, муаммоли масалаларни ечиш юзасидан маҳаллий Кенгашларда муҳокамалар ўтказилиб, Парламент комиссиясига мунтазам маълумотлар киритиб борилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини янги тамойилга ўтказиш мақсадида бу йил Сирдарё вилоятида тажриба-синов лойиҳаси татбиғи мўлжалланган. Тиббий суғурта тизимини жорий этиш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан депутатлар ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамиятга эга.

2021 йилдан бошлаб оилавий шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлиги бўйича янги рейтинг тизими жорий қилиниши ҳамда унинг кўрсаткичлари бўйича ходимлар ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши ҳам режалаштирилган. Янги тизим ижросини ўрганиш ва таҳлиллар якунларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида муҳокама қилиш, натижалар ҳамда муаммолар юзасидан ҳудудлар соғлиқни сақлаш, молия бошқармалари ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари ахборотлари эшитилиши иш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш тизими бўйича Мурожаатномада белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш нафақат мутасадди ташкилотлар, шу билан бирга, парламент, маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги асосий йўналишлардан бирига айланади.

**Мақсуда ВОРИСОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ТАРИХИЙ ТАФАККУР ВА ЁШЛАР ИСТИҚБОЛИ

*Мутафаккир, илоҳий ишқ куйчиси Жалолиддин Румийнинг шундай сатрлари бор: "Қалбингизни ўйланг! Инсон қалби фақат гўшт парчасидан иборат эмас. Қалбга маънавий ҳақиқат, раббоний латофат жо этилган".*

*Чиндан ҳам, бизнинг қалбимиз, руҳимиз, виждонимиз маънавият билан тирик, у билан бирга нафас олади. Токи инсоннинг қалби, юраги, маънавияти уйғоқ экан, у комилликка интилади, ҳазрати инсон эканлигини бир дақиқага бўлса-да, унутмайди.*

## Муносабат

Содда қилиб айтганда, маънавияти тирик инсон ҳар бир ишини ўйлаб қилади. Тафаккур тарозиси эса бугунги глобаллашув палласида ҳамма нарсадан устун. Чунки бу жараёнлар инсоният учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга, биз умуман кутмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, бугун миллий ўзлик ҳамда маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортаётганини кузатишимиз мумкин. Фақат ўз манфаатини ўйлайдиган авлод, меҳнат қилиш, оила масъулиятини бўйнига олмаслик, истеъмолчилик, боқимандалик кайфияти турли йўллар, усуллар ва воситалар ёрдамида одамлар, айниқса, ёшлар онгига сингдириляпти.

Шу таҳдидларнинг ўзиёқ ҳаммамизни ҳушёрликка чақиради.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида шу каби ўта муҳим муаммолар ечимида, аввало, халқимиз маънавиятини юксалтириш кераклиги масаласи муҳокама қилинди.

— Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Тан олиш керак, бугун жамиятимизда оилавий ажримлар, маънавият, маърифат, интернет бўйича муаммолар кўп. Ёшларнинг ҳаётий қарашлари, мақсад ва муддаоларини янада кенгайтириш биз, катталарнинг вазифаси, аслида. Бунинг учун маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, хусусан, ўғил-қизларни болалигиданоқ билимли, фаҳм-фаросатли этиб тарбиялаш, бунинг учун мактабгача таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзининг муносиб давомчиларини тарбиялаш масъулияти аслида ҳар бир авлодда бор бўлган табиий тушунча. Чунки халқимиз ҳар доим фарзандининг, набираларининг камолини ўзидан ҳам кўпроқ ўйлайди. Аммо маънавий дунёқараши кучли бўлмас экан, иқтисодий ютуқларимиз билан баркамол авлод тарбиясига эриша олмаймиз.

Йиғилишда бу борада бир қатор аниқ таклиф ва ташаббуслар билдириб ўтилди.

Жумладан, мактаблар, ўрта махсус ва олий таълим даргоҳларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Барча олийгоҳ ва уларнинг филиалларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилиши айтилди.

Бундан ташқари, давлат раҳбари маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. "Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий" тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчи ва таниқли зиёлилар бириктирилиши маълум қилинди.

Бу каби чора-тадбирлар ҳамда белгиланаётган вазифалар ижроси биз, сенаторларга ҳам тааллуқли. Зеро, одамлар орасида юрган зиёли, халқ вакили сифатида жамиятда учраётган ҳар бир муаммо ечимига, айниқса, маънавият масалаларини ижобий ҳал этишга масъулмиз.

**Одилжон ИМИНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси.**

# ҚАЙТА МОЛИЯЛАШ СТАВКАСИ ЎЗГАРИШСИЗ ҚОЛДИРИЛДИ



## *Бу иқтисодиёт ва аҳолига нима беради?*

*Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Хўш, нима учун бундай хулосага келинди? Бу иқтисодиётимиз ва аҳоли учун қандай аҳамиятга эга?*

*Пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманида бу ҳақда батафсил сўз юритилди.*

## Анжуман

Марказий банк раиси ўринбосари Б. Ҳамроевнинг айтишича, ушбу қарор инфляция динамикасини янада пасайтириш, иқтисодиётда реал фоиз ставкаларини ижобий даражада сақлаб қолиш, шунингдек, иқтисодий фаолликнинг тикланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб бориш мақсадида қабул қилинди.

2020 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, тартибга солинадиган нархларнинг нисбатан барқарорлиги, истеъмол талабининг сустлиги ва умуман, ўзгарувчан макроиқтисодий шароитлар нархларнинг йиллик ўсиш суръатлари секинлашишига хизмат қилди. 2020 йил якунлари бўйича инфляция даражаси 2019 йилдаги 15,2 фоизга нисбатан секинлашиб, 11,1 фоизни ташкил этди.

Унга озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши нисбатан юқори — 6,5 фоиз банд ҳисса қўшди. Мазкур товарлар гуруҳи бўйича қадрсизланиш умумий инфляция даражасидан анча юқори бўлди ва йил якуни бўйича 15,3 фоизга етди.

Озиқ-овқат инфляциясига босим, асосан, мавсумий омиллар, барқарор талаб, жаҳон ва савдо-ҳамкор давлатлар озиқ-овқат бозорларидаги нархларнинг ўсувчи динамикаси таъсирида юзага келди. Бунда кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари юқори даражада ўсди. Хусусан, картошка нархи 42 фоиз, тухум — 38, ўсимлик ёғи — 27, шакар — 21, гўшт маҳсулотлари — 18,1 ва нон маҳсулотлари 15,2 фоизга қимматлашди.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлар нархлари ўсиш суръатлари эса умумий инфляциядан сезиларли даражада паст бўлиб, мос равишда 8,8 фоиз ва 7,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, ўтган йили ноаниқликларнинг кучайиши таъсирида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари инфляцион кутилмаларининг нисбатан юқори ўсиши кузатилди. Бу апрель ҳамда июль ойларига тўғри келган бўлса, август ойида кутилмалар пасая бошлади ва аҳоли учун 17-18 фоиз ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун 18-19 фоиз даражасида қайд этилди. Бу, ўз навбатида, инфляцион кутилмаларнинг жиловланмаганлигини ифодалайди.

Асосий савдо-ҳамкор давлатларда ҳам инфляцион кутилмаларнинг ўсиши ва жорий инфляциядан юқори фарқланиши кузатилиб, бу жаҳон бозорларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгарувчанлигини ва иқтисодий агентларнинг келажакдаги тенденциялар бўйича ноаниқликлари билан изоҳланади.

2020 йилнинг тўртинчи чорагида иқтисодиётнинг тикланиш тенденцияси давом этди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йил якунлари бўйича ЯИМ ўсиши Марказий банк базавий прогноз кўрсаткичларидан (1-1,5 фоиз) юқори бўлиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилда иқтисодиётда ижобий реал фоиз ставкалари сақланиб қолди. Банклараро пул бозорининг ўртача тортилган фоиз ставкаси декабрь ойида 14,4 фоизни ташкил қилди ва фоиз коридори доирасида асосий ставкага нисбатан ижобий тафовут билан шаклланди.

2020 йил якуни бўйича иқтисодиётга кредит қўйилмалари қолдиғи 34,3 фоизга ошди ва 280,4 триллион сўмга етди. Иқтисодий шароитлардаги айрим мураккабликларга ва кредитлар қайтарилиш муддатининг вақтинчалик узайтирилишига қарамай, тижорат банклари томонидан 127 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва бу 2019 йилдаги кўрсаткичга яқин бўлди.

Жорий йилги кутилмалар қандай? Тадбирда ушбу саволга ҳам жавоб айтилди.

Хусусан, 2020 йил тўртинчи чораги ва январь ойининг биринчи ярмидаги кўрсаткичларни ҳисобга олганда, макроиқтисодий шароитлар Марказий банкнинг базавий прогнозларига мувофиқ шаклланмоқда. 2020 йилдаги кўрсатилган фискал рағбатлантириш ва пул-кредит шароитларининг нисбатан юмшатилиши таъсири 2021 йилнинг биринчи ярмида талаб томондан иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Бунда 2021 йилда ЯИМнинг реал ўсиши 4,5-5,5 фоиз даражасида бўлиши прогноз қилинмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, 2021 йилда иқтисодиётга кредит қўйилмалари ҳажми номинал ЯИМ ўсишига мутаносиб, яъни 16 — 20 фоиз атрофида бўлади.

Тартибга солинадиган нархларнинг ўзгаришсиз қолиши ва инфляция омилларининг мувозанатлашиши ҳисобига йил якуни бўйича инфляция даражасининг 9,0-10,0 фоизга қадар янада пасайиши кутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, асосий ставкани пасайтириш бўйича илгари қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ трансмиссияси, шунингдек, пул-кредит шароитларининг нисбатан юмшатилишига иқтисодиётнинг мослашуви маълум вақтни талаб қилади.

Шу билан бирга, яқин ойларда иқтисодиётда инфляцияни оширувчи хатарларнинг кучайиш эҳтимоли пастлигича қолмоқда. Инфляциядаги бир марталик омилларнинг вужудга келиш эҳтимоли ва инфляцион кутилмаларнинг юқори даражада сақланиб қолиши билан боғлиқ хавотир мавжуд.

Яқин истиқболда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўсиши хатарлардан бири сифатида қолмоқда. Шу сабабли озиқ-овқат бозорлари барқарорлигини кучайтириш, кўп жиҳатдан, республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш комплекс стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга боғлиқ бўлади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



## Мушоҳада

*Бугун инсоният техника тараққиёти борасида мисли кўрилмаган юксак чўққиларни забт этмоқда. Натижада ҳаётнинг рақамли технологиялар кириб бормаган бирор жабҳаси қолмади ҳисоб. Дунёнинг бу четида узатилган ахборот нариги бурчига сонияларда етиб боради.*

*Коронавирус "бало"си шундай бир шароитда ҳаётимизга таҳдид солди. Информацияни бир ҳудудда сақлаб бўлмагани каби вирус ва инфекцияни ҳам девор ортида ушлаб туриш мушкул. Инфекциянинг тарқалиши ва у ҳақдаги ахборотлар оқими деярли бир хил тезликка эга бўлиб қолди.*



# ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ЯНАДА ТОБЛАНДИК

Ўзбекистонда COVID-19 илк бор 2020 йил 15 мартда Франциядан қайтган фуқаромизда аниқланган бўлса, республика Бош вазири раислигидаги махсус комиссия қарори билан 16 мартдан таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнлари тўхтатилди. Тўй ва бошқа диний маросимларни ўтказиш тақиқланди. Мамлакатимизга кириш ва чиқишга ҳам чек қўйилиб, истисно тариқасида хориждан келиш истагидаги юртдошларимиз учун махсус рейслар ташкил этилди. Карантин қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар белгиланди.

2020 йилнинг ёз фаслида мамлакатимизда пандемия билан касалланиш даражасининг юқори нуқтага чиқиши кўплаб муаммоларни юзага келтирди.

Давлатимизда ушбу инфекциянинг олдини олиш, беморларни даволаш билан боғлиқ ташкилий масалалар, дори-дармон захирасини яратиш 2020 йилнинг январь ойидан бошланган бўлса-да, "тождор" вируснинг аҳоли орасида кенг тарқалиши билан боғлиқ фавқулодда вазиятга соғлиқни сақлаш тизими ҳам, аҳоли ҳам тўлиқ тайёр эмаслиги кўзга ташланиб қолди. Июль ойида эса вазият кескинлашди. Оддий шамоллаш ёки диареядан иситмаси кўтарилган фуқаролар ўзларида COVID-19 аломатларини ҳис этиб, тез тиббий ёрдамга мурожаат қилишлари оқибатида ушбу хизматга босим ортди.

Тез тиббий ёрдам станцияларидаги мавжуд 70 та бригадага аҳолидан тушадиган чақириқларнинг кўпайиши эҳтимоли ҳисобга олиниб, қўшимча равишда 7 та бригада ташкил этилди.



Хусусан, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилганидек, беморлар сарсон-саргардон бўлиши, тез тиббий ёрдам хизматини кутиш, коронавирусга тест топшириш ва натижасини билишда юзага келган қийинчиликлар шулар жумласидандир. Зарур дори-дармонлар, коронавирусни даволашга ихтисослаштирилган шифохоналарда ўрин ва ўпкага кислород берувчи сунъий вентиляция аппарати етишмаслиги ҳолатларига ҳам дуч келдик. Албатта, буларни ҳаётимизда кечирдик ва ҳақиқатдан йироқ эмас.

Давлатимиз раҳбарининг барча жараённи ўз назоратига олгани ҳамда зарур чора-тадбирларни тезкор қабул қилиши натижасидагина ушбу муаммолар қисқа вақт ичида бартараф этилиб, ижобий ўзгаришлар кузатилди. Муҳими, биз пандемия даврида янада тобландик, десак, ёлғон бўлмайди.

2020 йил 28 март куни Навоий вилоятида дастлаб икки кишида коронавирус аниқланди. Юртимиз ва вилоятимизда ушбу инфекциянинг олдини

Пандемия даврида умумий 2 646 ўринли жами 148 та реанимация ўрнига эга бўлган карантин, шифохона ва саралаш марказлари йўлга қўйилди. Беморларни даволашга 972 нафардан зиёд маҳаллий кадрлар, шунингдек, ушбу йўналишда ЖССТ ва Хитой, Россия, Туркия, Германия, Жанубий Корея каби 50 дан ортиқ мамлакатлардан мутахассислар жалб этилди. Бундан ташқари, оилавий поликлиникаларда 24 соат давомида ишлайдиган "Call-марказ"лар иш бошлади.

Вилоят дезинфекция станцияси томонидан барча корхона-ташкилотларда зарарсизлантириш тадбирлари амалга оширилди. 30 тонна гипохлорид натрий ҳамда 20 минг дона хлор таблетка захираси шакллантирилди. Жами 450 та дезинфекцияловчи отряд ташкил этилди.

Ўтган йилнинг март ойида хориждан олиб келинаётган фуқароларни карантинга жойлаштириш мақсадида Навоий шаҳридаги сафарбарлик чақируви батальони, 6 та ётоқхона ҳамда "Қизилқумцемент", "Навоийазот" акциядорлик жамиятларига қарашли санаторийлар санитария-гигиена талаби асосида тайёр ҳолатга келтирилди. Карантинга олинган хонадонларда яшовчи фуқаролар талабларини қондириш учун эса керакли озиқ-овқат маҳсулотларини бепул етказиб бериш тизими йўлга қўйилди.

Онлайн тарзида ўтказилган машғулотлар давомида соҳа мутахассислари томонидан тингловчиларга миллий қўлланма асосида Бош давлат санитария врачининг COVID-19 инфекцияси республика ҳудудига кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишининг олдини олиш йўллари тушунтирилди. Вилоят кесимида даволаш-профилактика муассасаларидан жами 500 нафарга яқин врач ва 6,5 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимларига касалликни даволаш ва парваришлар учун сертификатлар берилди.

Умуман, COVID-19 профилактикаси учун аҳолига 17 мингтадан зиёд "COVID-box" дори жамламаси бепул тарзда етказилди. 2020 йил якуни билан туманлар, шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси захира омборида 15 мингтага яқин "COVID-box" дори воситалари мавжуд. Ўтган йили пандемия даврида тиббиёт муассасаларига Соғлиқни сақлаш вазирлигидан 19 турдаги ва вилоят ҳокимлиги маҳаллий бюджетидан 63 турдаги тиббий жиҳоз ҳамда дори-дармонлар тарқатилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли даволаш-профилактика муассасалари 1,5 мингдан ортиқ, жумладан, (1 145 ўринли) саралаш марказлари 500 дан зиёд кислород нуқталари билан таъминланди. Айнан шу бўйича 100 нафарга яқин мутахассислар малакаси оширилди.

2020 йилнинг августь ойидан ҳудудларда мобиль бригадалар фаолияти йўлга қўйилиб, 15 та мобиль бригадага 13 та транспорт воситаси ҳамда 43 нафар тиббиёт ходими бириктирилди. Шунингдек, поликлиникалар қошида ҳам мобиль бригадалар фаолияти йўлга қўйилди. Уларга 16 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган бўлиб, 700 нафари стационар даволанишга ётқизилди ва қолганларига тиббий маслаҳатлар берилди. Жами 17 минг нафардан зиёд касалланган ҳамда мулоқотда бўлганларга ижтимоий дорихоналар орқали COVID-19га қарши бепул дорилар жамламаси тарқатилди.

Шунингдек, ўрта умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча ўқитувчи ҳамда тарбиячилардан COVID-19га тест намуналари олинди. Ўқитувчилардан 1 080 ва бошқа ходимлардан 104 нафарида бирламчи мусбат натижалар аниқланди. Барчасига ижтимоий дорихоналар орқали бепул дори жамламалари берилиб, тузалгандан сўнг ишга рухсат этилди ҳамда мактабларда изолятор хоналари очилди. Ходимлар руҳ (цинк) ва азитромицин дорилари билан бепул таъминланди. Барча ўқитувчи, тарбиячи, тиббиёт ходими ва ҳамширалар грипп инфекциясига қарши бепул эмланди.



Ҳар бир поликлиникага COVID-19 енгил кечаётган беморларга консультатив ёрдам кўрсатиш учун шакллантирилган 3 нафар шифокордан иборат махсус мобиль бригада бириктирилди. Шифокорларнинг ҳар бири уяли телефон билан таъминланиб, ўз ҳудудидаги беморлар билан ҳар куни телефон орқали мулоқот қилиши, тавсиялар бериши белгиланди.

Мазкур чора-тадбирлар натижасида 2020 йил 15 августидан эътиборан бир ойдан кўпроқ вақт амал қилган қатъийлаштирилган карантин қоидалари юмшатилди ва инфекция тарқалишининг олдини олиш билан бирга, иқтисодиёт ҳамда аҳоли даромади барқарорлигига эътибор қаратиш чоралари кўрилди.

Бир мисол. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари билан берилган имтиёз ҳамда преференциялар доирасида ҳудудда 114 та тадбиркорлик субъектига фойдаланилмаётган объектлар бўйича 3,2 миллиард сўмлик солиқларни ҳисоблаш тўхтатилди. Бир минг бир юздан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга 137,8 миллиард сўмлик кредит шартномалари бўйича кредит тўловлари кечиктирилди ҳамда фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган 182 тадбиркорга давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларининг ҳисобланиши ва ундирилиши "музлатилди".

Август ойининг иккинчи ярмидан эпидемиологик вазият бирмунча барқарорлашди. Шу муносабат билан республикада "50 фоиз иқтисодиёт ва 50 фоиз карантин" тамойили асосида чоралар белгилаб берилди. Бу борада комплекс ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш устувор вазифага айланди. Айнан шу йўналишга 39 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Улар орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг озиқ-овқат ва дори-дармонга бўлган кунлик эҳтиёжлари бепул таъминлаб борилди. Шу билан бир қаторда, ҳомийлик ва хайрия ёрдамларини кўрсатиш истагидаги фуқаролар учун махсус хайрия ҳисоб рақами очилиб, унга қисқа фурсатда 12 миллиард 152 миллион сўм маблағ тушди.

Бундан ташқари, маҳаллий тадбиркорлар томонидан ихтиёрий равишда 407 миллион 97 минг сўмлик озиқ-овқат, 31 миллион 932 минг сўмлик дори-дармон эҳтиёжманд ва муҳтож оилаларга етказилди. Бу каби чоралар мазкур йўналишдаги бозорлар юкини енгиллаштириб, нарх-наво барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

2020 йил пандемия хуружлари билан бирга Бухоро вилояти ҳамда Сардобадаги табиий ва техноген офатлар етказган ташвишлар ҳам халқимиз бирдамлигини синовдан ўтказди. Мазкур фавқулодда ҳолатлар ҳар бир инсон табиатнинг бир бўлаги, атрофдаги олам, борлиқ ва ҳаёт абадийлиги таъминоти учун масъуллигини, табиат синовлари олдида баъзан ожизлигини ҳамда инсоний қадриятлар, юксак туйғуларгина собитликнинг гарови эканлигини қайта-қайта кўрсатди.

Кўзга кўринмас душман — пандемия сабабли бу даврда босиб ўтилган йўл, орттирилган ҳаётий тажриба, келажак авлод учун тарихий воқелик сифатида "Пандемия ва масъулият" номли китоб дунё юзини кўрди. Зеро, замонавий дунё ҳамда унинг муаммолари қаршисида масъулият ҳиссигина авлодлар учун муносиб келажак қолдириш имконини беради.

**Кобул ТУРСУНОВ,**
**Навоий вилояти ҳокими,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Китоб жавонингизга

# ЎЗБЕК ВА ЖАҲОН АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

*Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган академик Акмал Саидовнинг "Қиёсий адабиётшуносликка кириш" китоби адабиётшунослик соҳасини янгича йўналишда, чуқур таҳлилий асосда ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.*



Китобнинг сўзбошисида муаллиф таъкидлаганидек, қиёсий адабиётшуносликнинг асосий вазифаси жаҳон адабиёти харитасининг ранг-баранг миллий манзараларини илмий-ижодий талқин этишдан иборат. Миллий адабиётларни ўзаро қиёсий ўрганиш асосидагина жаҳон адабиёти ривожининг муҳим мезонлари ва ривожланиш қонуниятларини аниқлаш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, қиёсий адабиётшунослик бизга ҳам ўзбек адабиётини, ҳам жаҳон адабиётини ўрганиш учун ниҳоятда зарур.

Китоб Ғарб адабиёти ва Шарқ адабиётига оид таҳлилий мақолалар, шарҳлар ҳамда эсселарни ўз ичига олган икки бўлимдан иборат.

Қиёсий адабиётшунослик, бадиий асарларни қиёсан ўрганиш методологияси ва тамойиллари борасида ўзбек адабиётшунослигида ҳали дарслик яратилмаган, ўқув қўлланмалар етарли эмас. Шу боис ушбу китоб илмий тадқиқот ишларида ўқув методик манба сифатида алоҳида роль ўйнайди. Шу билан бирга, жаҳон адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик бўйича мутахассислар ҳамда ҳуқуқшунослар учун ўзига хос қўлланмадир.

**«Халқ сўзи».**

ЭЪЛОН

## Ўзбекистон давлат консерваторияси қуйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

1. *Мусиқа тарихи ва танқиди кафедраси: профессор.*
2. *Мусиқий овоз режиссёрлиги ва информатика кафедраси: профессор, катта ўқитувчи, ўқитувчи.*
3. *Торли чолғулар кафедраси: доцент.*
4. *Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси: ўқитувчи.*
5. *Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш кафедраси: ўқитувчи — 2 ўрин.*
6. *Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси: катта ўқитувчи — 2 ўрин.*

**Танловда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

— ректор номига ариза;
— ходимлар шахсий варақаси;
— олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
— ўқув-услубий, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
— мутахассислик бўйича охирги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

**Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.**

SANOAT QURILISH BANK

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» «JCB» ТЎЛОВ ТИЗИМИ БИЛАН ИШЛАШНИ БОШЛАДИ

*"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБда ўтган йили картага оид процессингни модернизация қилиш бўйича лойиҳани амалга оширишга киришилган эди. Бундан кўзланган мақсад — электрон ПИН-кодли халқаро карталарни чиқариш, мультивалюта ҳисоб рақамлари ва карта бўйича кредит лимити, шунингдек, алоқасиз карталар, жумладан, "JCB" халқаро тизимларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш ва эквайринг тармоғини кенгайтиришдан иборатдир.*

## Хизмат

Бугунги кунда лойиҳа бўйича янги карталарни синовдан ўтказиш ва созлаш ишлари бажарилмоқда. Гап шундаки, яқинда "WAY4" янги процессинги ишга туширилди. Натижада "JCB" карта эгалари "Ўзсаноатқурилишбанк" банкоматларида нақд пул ечиш ва банкнинг ҳамкорлари тармоғида харидлар бўйича тўловларни амалга оширишлари мумкин.

— Минтақада юқори нуфузга эга бўлган энг йирик ва ишончли банклардан бири — "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Ўзбекистон Республикасида "JCB" карталарини қабул қилишни бошлагани бизни мамнун этди, — дейди "JCB International (Eurasia) LLC" бош директори Такаси Суэцугу. — Ўзбекистон қадимий тарих, ноёб археологик ёдгорликлар, урф-одат ва анъаналари билан машҳур туристик йўналиш ҳисобланади. Шу боис бу қадим замин "JCB" карталари эгалари кўп бўлган Япония ва бошқа Осиё мамлакатлари сайёҳларини ўзига жалб қилиши, шубҳасиз.

2018 йилда визасиз тартиб жорий этилгани ва бизнинг "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ билан ҳамкорлигимиз сайёҳлик оқимининг янада ошишига ҳамда "JCB" карталари эгалари республикага сафари давомида харидлар бўйича тўловларни амалга ошириши ва нақд пул ечиши учун янада қулай шароитлар яратишга хизмат қилади.




"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ бошқаруви раисининг ўринбосари Улуғбек Таваккаловнинг айтишича, "Ниmo" бўйича хизмат кўрсатувчи банкомат-терминал тармоғи бир вақтнинг ўзида "JCB" халқаро тўлов тизими карталарига хизмат кўрсатади. Айни пайтда бундай банкоматлар сони 150, терминаллар сони эса 16 мингтани ташкил этади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, "JCB" жаҳондаги йирик тўлов бренди. Етакчи эмитент ва Японияда кредит карталарнинг харидоридир. Компания 1961 йилда ташкил топган бўлиб, 1981 йилдан "JCB" бошқа мамлакатлар бозорларига чиқиб, ўз фаолияти доирасини кенгайтирмоқда.

Банкнинг қабул қилиш тармоғи дунёдаги қарийб 35 миллион савдо вакилларини қамраб олади. Ҳозирги вақтда "JCB" карталари эгалари 140 миллиондан кўп ва бундай карталар 20 дан ортиқ мамлакатларга чиқарилади.

**Банк ахборот хизмати.**

Реклама ўрнида

*Хизматлар лицензияланган.*

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси уюшма бошқаруви аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Шерзод Ғуломовга онаси

**МАНЗУРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти жамоаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори Иномжон Мажидовга отаси

**Уришбой МАЖИДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.45 Топширилди — 03.40 1 2 3 4 5 6